

Бақара сураси, 264-оят

13:48 / 19.04.2018 5155

Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун нафақа қилганга ўхшаб, ботил қилманг. У мисоли устини тупроқ босган, сўнгра кучли ёмғир ёғиб, уни сип-силлик қилиб қўйган ясси тошга ўхшайдир. Касб қилган нарсаларидан бирор нарсага қодир бўлмаслар. Ва Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас. Бақара 264.

Ушбу ояти каримада садақадан кейин миннат қилиб, озор бериб, қилган яхшилигининг савобидан бебаҳра қолиш ажойиб бадийий васф билан тасвирланяпти. Бу билан мусулмонлар қалбида мазкур ишнинг нақадар ёмон иш экани жонли тасвирланмоқда. Оятнинг аввалида садақани миннат ва озор бериш билан ботил қилмасликка амр бўляпти. Кейин эса, агар шундай қилинса, риё учун садақа қилганга ўхшаб қолишининг баёни келяпти:

«Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун нафақа қилганга ўхшаб, ботил қилманг».

Демак, ортидан миннат ва озор келадиган садақа Аллоҳга ва охират кунига иймон туфайли эмас, балки риёкорлик учун қилинган садақага ўхшар экан. Ўз навбатида:

«У мисоли устини тупроқ босган, сўнгра кучли ёмғир ёғиб, уни сип-силлик қилиб қўйган ясси тошга ўхшайдир».

Асли чатоқ бўлгани учун ушбу қилинган яхши амал унинг эгасига юқмайди. Риё учун қилинган садақа силлик, бетаъсир, қаттиқ тошнинг устига тўпланиб қолган озгина тупроққа ўхшайди. Ёмғир ёғса, ундан наф олиб, ўсимлик ўстиришнинг ўрнига, ювилиб, оқиб кетади ва силлик, қаттиқ тош очилиб қолади. Бу тарзда садақа қилувчилар

«Касб қилган нарсаларидан бирор нарсага қодир бўлмаслар».

Яъни улар ҳеч қандай савоб олмайдилар.

«Ва Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас».

Энди бу васфнинг қарама-қаршиси – иймонли кишилар қиладиган садақанинг васфи келади: